

Туркиядаги энг катта масжид 7 март куни расман очилади



07:00 / 24.02.2019 4600

Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғоннинг ташаббуси билан бундан 6 йил аввал таъмирланиши бошланган Чамилжа (Қалмық) масжиди 7 март куни, Рағоиб кечасида расман очилиши кутилмоқда. Бу ҳақда Туркиянинг Sabah газетаси хабар беради.

Ҳозирда масжиднинг ташқарисида декоратив ишлар олиб борилмоқда. Масжид ўзининг қурилиш дизайни жиҳати билан бошқа масжидлардан мутлақо фарқ қилади. Шунингдек, катталиги жиҳатидан ҳам дунёда ҳозирча биринчи масжидлар қаторида турибди. Унинг таркибидан китобхона, мажлислар зали, санъат галереяси ўрин олган. 63 минг кишига мўлжалланган бу улкан иншоотда 6 та катта минора мавжуд. Уларнинг тўрттаси 107,1 метр, иккитаси 90 метр баландликда. Масжидни

баландлиги 72 метр, кенглиги 32 метр бўлган ҳашаматли қубба безаб турибди.

Islom.uz портали таҳририяти